

2004-4

ЖПК 426-моддасининг талабларига амал қилинмаганлиги сабабли иш янгидан кўриш учун судга юборилган

Жиноят ишлари бўйича Ф.Хўжаев туман судининг 2003 йил 24 декабрдаги ҳукмига кўра, Б. ЖК 168-моддасининг 1-қисми, 189-моддасининг 3-қисми, 184-моддаси 2-қисмининг «б» банди билан 3 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум қилинган. Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони 2-моддаси татбиқ этилиб, жазодан озод қилинган.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди кассация инстанциясининг 2004 йил 9 апрелдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Б. жабрланувчилар Ш., С., К., Б., Ф., А., Н., Р., ва Н.лардан фирибгарлик йўли билан жами 344.000 сўм пулларни эгаллаган, шунингдек у 1.254.000 сўм миқдоридаги тушумни давлатга топширмасдан, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини кўп миқдорда бузган, бундан ташқари Б. кўп миқдорда - 1.254.000 сўмлик солиқ тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари томонидан келтирилган протестда суд қарорларини бекор қилиб, жиноят ишини янгидан кассация тартибида кўриш учун юбориш масаласи қўйилган.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди раёсати қуйидаги асосларга кўра протестни қаноатлантирди.

Суд мажлиси протоколи ЖПК 426-моддаси талабларига риоя этилган ҳолда юритилмаган. Шу туфайли гувоҳларнинг баённомада акс эттирилган

кўрсатувларидан иш тафсилотларини аниқлаш ва улардан далил сифатида фойдаланиш имконияти мавжуд эмас.

Чунончи, Б. тергов органи томонидан солиқ тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлаганликда ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузганликда айбланган бўлсада, судланувчи бу эпизодлар бўйича судда сўрок қилинмаган. Суд жараёнида бу эпизодлар билан боғлиқ далиллар текширилмаган.

Бундан ташқари, суд ЖПК 457-моддаси талабларига зид равишда иш бўйича жабрланувчи деб топилган Р., Н., Ф., А., С., К., Ш., Б.ларга ва давлат бюджетига етказилган моддий зарарни ундириш масаласини ҳам муҳокама қилмаган.

Кассация инстанцияси суди юқорида қайд қилинган хато-камчиликларни бартараф этмаган.

55-14-сонли қарор